

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (11.463)

Баҳоси эркин нарҳда



ЯНАДА ОБОД БҮЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!

Истиқоломизнинг муборак 18 йиллиги ҳамда қадимдан илм-фар ва маданийтнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган гўзал пойтахтимизнинг 2200 йиллигини юртимиз бош шаҳрининг юксак нуфузи ва мавқеига муносабиравиша нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, ҳалқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадларида Чilonзор туманида ҳам кенин кўллами ишлар амалга оширилмоқда.

— Тарихий манбаларда қайд этилиши мазкур туманинг номланиши Чilonзор ота номи билан боғлиқ. XIII асрларда ҳам яхши хабардор бўлган, ерлик ахолининг кўплаб касалларини даволаб, дардларига малаҳ бўлган. Жумладан, унинг бошилигига бўлар ўрикзор, олмазор, нокзор ҳамда узумзорлардан ишорат бўлган, ернинг асосий кисмida эса чilonжийда экилган...

Хозирда туманинг умумий майдони 30 минг гектарни ташкил этади, унда 217,3 минг нафар аҳоли 49 та маҳалла да истиқомат килиб, тури соҳаларда фойлиларни кўрсатмода. Тумандаги 4400 та катта, кичик корхона, микрофирмалар иш юртимоқда, улар орасида хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган

корхоналар 390 та бўлиб, янгилари 23 тадан иборат. Шулардан «Совластит», «Ройсон-электроникс», «Жўрабек-лабораторикс ЛТД» каби юртимиз иктисолиди мусошиб ўрин аглалган корхоналарни мисол келтириш мумкин.

Йилдан йилга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган мазкур тумандаги ахоли саломатлигини асрар яўлида В.Воходов номидаги жарроҳлик илмий маркази, Гематология ва қон ўйлиш имтий-текширии инститuti, Республика стоматология маркази, Тошкент вилятии Соглини саклаш бошқармасининг марказий шифохонаси, Республика шеъ шошилини тиббий ёрдам маркази фаoliyи юртимоқда. Шунингдек, 7 та оиласий поликлиника, 7-түргуқ комплекси, 3-шахар Перинатал маркази, З-диспансер, тез ёрдам кўрсатнистан ташкил этилган

циаси ҳамда 2 та шифохона мавжуд.

Туман худудида Тошкент Давлат Иктисолидёт университети, 17 та ўрта маҳсус билим юртлари, академик лицей ҳамда коллежлар, ҳалқ таълими тизимида 32 та умумталим мактаблари ҳамда 59 та мактабтагча таълим мусассалари мавхуд. — «Истиқол» саройи, Олий Мажлис биноси, Алишер Навоий номидаги Узбекистон Милий боби, Алишер Навоий ҳайали мажмусаси, Абулқосим мадрасаси каби бетакор иншоатлар ва шуманзара масканлари қаторига киради. Тумандаги 2 та маданият ва истироҳат боялари, 2 та театри, 2 та маданият саройи ҳамда 4 та маданият ўйлари ишлаб турди.

Тумандаги долзарб масала бўлган ахоли бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза килиши ишлари кўнгилдагидай амалга оширилмоқда. Бундан ташкири, Энг улуг ва азиз байрам — Мустакилимизнинг 18 йиллиги ва азим Тошкентимизнинг 2200 йиллигини муносаби тарзда кутиб олиш ва тантанни нишонлаш учун чilonзорликлар бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам аризагул юмушларни бажарishmoқda.

(Чilonзор туманига багишиланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИ 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТISODIY РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берган 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантириши, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлади.

I. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

Иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш, иқтисодиётни таркибий кўйташтириш ва модернизация килишини давом этириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши, шунингдек, инқирозга қарши чораларнинг жадал

рўёбга чиқарилиши жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ичи маҳсулотнинг 8,2 фоизи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши хажмини 9,1 фоиз, чишлок кўхжалик маҳсулотларири 4,6 фоизга ошириши таъминлади. Курниш ишларининг 32,5 фоиз ўсишини таъминлаган инвестициялар жа-

мининг 132,7 фоизга юқори суръатни ошиши, шунингдек, чакана савдо айланмасининг 17,7 ва хизматларнинг 18,5 фоизига ўсиши билан ифодаланадиган ичи эҳтиёжини кенгайтириша донор чора-тадбирлар иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омиллари бўлди.

Давлат бюджети даромад-

лари 100,8 фоизга бажарилди ва бюджет профицити ичи маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда таъминланди. Истеъдом бозоридаги мувозанат инфляцияни дарасини прогноз кўрсаткичларни доирасида саклаш имконини берди (3,6 фоиз).

(Давоми 2-бетда).

мумкин.

2200
2009
ТОШКЕНТ

тинчлик ва дўстлик ро
маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланиши

арафасида жойларда ўтказилаётган турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманларда айниқса, ёшлар шаҳримиз тарихи, ўтмиши ва бугуни ҳақида бой маълумотларга эга бўлмоқдалар.

Тадбирлар

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Шунингдек, бу каби тадбирлар ёшлар қалбидаги она Ватанга мөхр-мухаббат, садоқатга ватанпарварлик туйгуларини янада кучайтиришида мухим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёрлар кўриш ва уни ўтказиши тўғрисида»ги Карори ижросидаги «Гулла, яшна, кўхна Тошкентим» деб номланган концерт дастури айниқса йиғилганларда унтуилмас таассурот қолдириди.

Тадбир якунида иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсадликови совгалари билан тақдирланиди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, ёшларни шаҳримиз ўтмиши ва бугуни билан танишириш, уларнинг она юртимизга садоқатли, чин ватанпарвар инсон бўйли камолга етишларини таъминлаш, турли хил хукуқбузарликларнинг олдини олиш, милий қадриятларимиз, анъаналаримизга хурмат хиссиси оширишдан иборат, — дейди Маънавият тарбибот маркази Юнусобод туман бўлимни раҳбари Н. Абдурахимова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Б. Калонхўжаев «Ёшлар — келажагимиз пойдевори» мавзууда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда мазкур марказ тарбияланувчилари иштирок этишиди. Тадбирда Маънавият тарбибот маркази Юнусобод туман бўлимни раҳбари Н. Абдурахимова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Б. Калонхўжаев «Ёшлар — келажагимиз пойдевори» мавзууда сўзга чишиб, ёшларни асрлаб авайлаш, уларни тўғри йўлга бошлаш, хукуқбузарликтарни жиноятичиларнинг олдини олиш; урф-одатларимизга зид бўлган фояларга қарши курашиб, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, гуллаб-яшнаётган она шаҳримизни ардоклаш, уни янада обод ва кўркам шаҳарга аллантириш, хар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидиди.

Дилором ИКРОМОВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика мактаблари, ўта маҳсус, касб-хунар коллежи ўқувчиликларини ўқув куроллари ва бошқа анжумонлар билан таъминлаш мақсадида мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўз иш фаолиятини бошлади.

ЯРМАРКА ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунга қадар савдо ташкилотлари томонидан 30 номдаги 2 миллиард сўмдан ортиқ ўқув куроллари ва анжумонлари харидорлар учун шай қилиб кўйилган. Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаиги нашриётлар ва «Шарқ» компаниясида 160 номда 1,5 миллиард нусхадан ортиқ дарсликлар, бадиий ва бошка адабиётлар нашр этилган.

Мактаб ярмарасини ташкил этиш нафакат ўқувчилар, балки, ота-оналар учун ҳам қатор қуалайликлар яратди. Энди болалар ва ота-оналар зарурий ўқув куролларини ёнгинасида жойлашган мактаблар қошидаги ярмаркалардан харид қилишти. Барча номдаги янги дарсликлар, замон талабарига жавоб берадиган ўқув куроллари ва анжумонлар, дарсларни кизикларни, мароқли ўтказишига мўлжалланган кўргазмали куроллар бу ярмаркаларни безаб турибди.

Ярмарка ўтказишига биритирсанг мутахассисларнинг фикрича, 10 кун давомида республика худудида ташкил этиладиган мактаб бозорлари ва ярмаркаларни жойлаштириш ва ўтказиш жадвали ишлаб чиқилади.

«Ўзбекенгилсаноат» компанияси, Халқ таълими вазирлиги, ўта маҳсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда намунали болалар мактаб кийимлари ишлаб чиқиши алоҳида эътибор қаратган.

— Мактаб бозорлари ва ярмаркаларни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, ўқувчilar ва ота-оналарнинг вақтини тежаш, ўқувчilарга таинлаш арzon, сифатли кийим-кечак ва ўқув куроллари етказишдан иборат, — дейди Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Жаҳонғир Мусаев. — Республика худудлари бўйлаб, кенг миқёсда ташкил этилган мактаб ярмаркалari аҳоли учун кўзайтичиларни яратилинглиги билан аҳамиятлиdir.



Болалигим болдай ширин, беғубордир лаҳзаларим...
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ота-онасиз болаларнинг ёзги дам олишини мароқли ташкил этиш мақсадида тадбир бўлиб ўтди.

БОЛАЛАР — ЭРТАНИНГ ЭГАСИ

Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент вилоят ва шаҳар ҳокимларни, касб-хунар таълими бошкармаси, «Софлом авлод» хамияти, Республика мөхр-муруват маркази ва Болалар спортини рivoхлатириши жамгармаси ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар Чilonzor матбаси касб-хунар коллежи, Тошкент вилояти Ангрен кимё-саноат коллежи ва Olmaliq кончилик коллежида таҳсил олаётган 110 нафар ўқувчилар иштирок этишиди.

Тадбир ўқувчилар учун турли спорт мусобакалари ўюнширилди, санъаткорларнинг чиқишилари ташкил килинди.

— Ҳеч нарса ота-она меҳрининг ўрнини босолмайди, — дейди Республика мөхр-муруват марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Озода Каримова. — Аммо дардли болаларнинг кам бўлсалада, кўнглини кўтариш учун барча чоралар кўрилият. Бу борада ушбу тадбирдан ташкири ҳам марказимиз томонидан кўлгаб кўнглияр кечалар, шоу-концерлар ўтказилмоқда.

Спорт мусобакаларида голибликни кўлга киритган болаларга «Софлом авлод» жамияти ва Хотин-қизлар кўмитасининг эсадликови совгалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ИРИСМЕТОВ ВА РИВАЛДО ТЎПУРАРЛАР САФИДА

Халқаро футбол тархи ва статистикикаси федерацияси (IFFHS) дунё мамлакатлари милий чемпионатларининг энг сермаҳсул футbolchilari номини эълон қилди. Рўйхатга 1888 йилдан 2009 йилгача милий чемпионатлар олий лигаларида икки юздан зиёд гол урган 311 нафар футbolchi киритилган.

Бразилиялик Пеле 541 та гол билан пешадамлилар килаётган тўпурарлар рўйхатидан 381 учрашувда рақиблар дарвозасига жами 222 та гол урган Ж.Ирисметов ҳам жой олди. Профессионал футболчилари фаолиятини 1992 йилда бошлаган Ж.Ирисметов Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси сафida уч маротаба Ўзбекистон милий чемпионатининг энг моҳир тўпурари, деб топилган. 2000 йил мавсумида «Дўстлик» жамоаси таркибида мамлакат чемпионати олтин медалини кўлга киритган. 45 голга муалифлик килиб, бир мавсумда энг кўнголиб ўқувчиларни ўтказишига милий чемпионатимизда ўн бешта гол билан тўпурарлар баҳфидан рақибларни ўтказишига бўлди.

2008 йил мавсумини «Олмата»да яқунлаган Ж.Ирисметов мазкур жамоа сафida 2006 ва 2007

йил чемпионатларida рақиблар дарвозасига ўн еттигадан гол киритиб, кетма-кет икки маротаба Козогистон чемпионатининг энг моҳир тўпурари бўлган.

Шунингдек, рўйхатда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси сардори, бразилиялик жаҳон чемпиони Ривалдонинг номи қайд этилган. 1999 йили дунёнинг энг кучли футbolchisi, деб ётироф этилган Ривалдо Бразилия, Испания, Италия, Греция ва Ўзбекистон чемпионатларида 502 та учрашувда рақиблар дарвозасига 255 та тўп киритган. Айни пайтда моҳир хуҷумчи милий чемпионатимизда ўн бешта гол билан тўпурарлар баҳфидан рақибларни ўтказишига бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,

ЎЗА шархловчиси

КУЧЛИ РАҚИБЛАР ЯНА БЕЛЛАШИШАДИ

Футбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг тақорири учрашувларидан сўнг мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари — «Бунёдкор» ва «Пахтакор» финалда ғалаба қозониши ниятида ўзаро беллашадиган бўлишиди.

Гап шундаки, Фарғонада «Нефть» — «Пахтакор» ўтсида ўюнтирилган Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг тақорири учрашувидан омад майдон егаларига кулиб бокиб, меҳмонларни 3:2 хисобида мағлуб эта олган бўлишсада, Тошкентда аввал ўтказилган учрашувда пахтакорчилар томонидан қозонилган 4:1 хисобида Галаба Виктор Жалилов шоғирдларига Ўзбекистон Кубоги финалида иштирок этиш хуқукини берди.

Фарғонадаги беллашув мурасиз кулашларга бой, шиддатли кечди. 5-дақиқада пахтакорчи Акмал Холматов мезонилар дарвозасини аниқ нишонга олиб ўз жамоасини хисобда олдинга олиб чиқкан

бўлсада, 22, 24-дақиқаларда

«Нефть»нинг моҳир футbolchisi Анвар Бердиеv томонидан «Пахтакор» дарвозасига икки марта ишғол этилди. 50-дақиқада Гейнрих аниқ зарба билан ўтдагидан мувозанатни яна тиклади, бирор, «Нефть»нинг жонига яна Анвар Бердиеv ора кирди. 72-дақиқада меҳмонлар дарвозаси томон ҳакам томонидан белгиланган пенальтини амалга оширишда Анвар хотоликка йўл кўйлади ва жамоа сафida 3:2 хисобидаги ғалабаси билан ўтказишига бўлди.

Ўзбекистон Кубогининг «Пахтакор» — «Бунёдкор» тўртасидаги финал баҳси 8 август куни

«Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Кубоги соворини «Бунёдкор»га насиб этадими ёки «Пахтакор» ғалаба қозонидими, буни вақт кўрсатади.

(Ўз мухбиримиз)

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-ракам
билин рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
оффсет усулида босилиди.
2862 нусхада босилиди.
Коғоз бичими А-2

Оз-оз ўғланниб
Дено бўйи

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР

Дўст ким?

Ҳакимларнинг айтишлари, ҳар ким бадавлатлик пайтида дўстларига ёрдам кўлини чўзмаса, бечоралик пайтида ҳеч ким унга ҳам кўлини чўзмайди. Сўрадилар:

— Дўст ким?

Жавоб берди:

— Оғир кунларда кўллаган киши!

ЧИН ДЎСТ

Бир улуғ кишининг дўсти тунда эшик коқиб келди. Улуғ киши ўрнидан турди, бир халта пул олди, бўйнига қилич осди ва канизагига шам олиб, бирга юриши тайинлади. Эшикни очиб, дўстига деди:

— Сенинг келишингнинг сабаби учнарса деб тахмин қилдим. Биринчиси — бирор ҳодиса юз бериб, пулга мухтоҷ бўлдингми, деб пул олиб чиқдим. Иккинчиси — душман сенга хужум килдимик деб, қилич кўтариб чиқдим. Учинчиси — бирор мухим ишинг чиқдими деб, канизагимни олиб чиқдим.

Дўсти ундан узр сўради ва кўнглида ҳам ошиди.

ДЎСТИК БУРЧИ

Бир ҳаким буоради:

— Дўстинг сенга насиҳат қилишдан эринса, тўғри йўл кўрсатишига уринмаса, айнингдан сени огоҳ қилмаса, ундан дўстдан кечиш ва узоклашишдан фамга тушини хаёлга ҳам келтирмаслик керак.

ИНСОН ТАБИАТИ

Донолардан бири айтади:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғриди. У яхши кишилар билан сухбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмонлар билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ШАРТИ

Бир улуғ кишини меҳмонга айтганл